

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Шарқ филологияси ва фалсафа факултети

Араб филологияси кафедраси

Мамажонов Зоҳид Комилович

**Мавзу: “МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “АЛ-УНМУЗАЖ ФИ-Н- НАҲВИ” АСАРИДА
МАСДАРЛАР**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220100 – ФИЛОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

АННОТАЦИЯ- Илмий ишда Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласидаги масдарларнинг ёритилиш принципи таҳлил этилган. Шунингдек, араб тилидаги масдарларнинг арабнаҳвчилари, ўзбек ва рус шарқшунос олимлари асарларида ёритилиши қиёсий жиҳатдан ўрганилган.

Илмий раҳбар: кат.ўқ. Д.К. Маматохунова

Ҳимояга рухсат берилди

Факултет декани: ф.ф.н. доц. Ж.Зиямуҳаммедов

Кафедра мудири: кат. ўқ. Н. Орифхўжаев

Илмий тақризчи: кат. ўқ. А.Исломов

ТОШКЕНТ - 2011

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
АСОСИЙ ҚИСМ	8
I. БОБ. МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “АЛ-УНМУЗАЖ ФИ-Н-НАҲВ” РИСОЛАСИДА МАСДАРЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ	
1.1. Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси.....	8
1.2. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи.....	13
1.3. “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласида масдарлар баёни.....	20
II. БОБ. АРАБ АДАБИЙ ТИЛИДА МАСДАРЛАР ВА УЛАРНИНГ АРАБ НАҲВЧИЛАРИ ҲАМДА АРАБШУНОС ОЛИМЛАРНИНГ АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.	
2.1. Араб тилида масдарлар ва уларнинг тулари.....	24
2.2. Араб наҳвчиларининг масдар ҳақидаги фикрлари.....	27
2.3. Ўзбек ва рус арабшунос олимларининг мавзу бўйича изланишлари	33
ХУЛОСА	42
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	45
ИЛОВА	48

Кириш

Юртимиз ўз мустақиллигига эришгач халқимизнинг маънавий-маданий бойликларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни келажак авлодларга тўлиқ етказиш ва ҳозирги авлодни улардаги ижобий анъаналар асосида тарбиялаш муҳим вазифалардан бўлиб бормоқда.

Қадимдан ўзининг бой тарихига эга бўлган ўзбек халқи ва бу миллатнинг юксак кадриятлари, маданияти, бой илмий мероси ўзининг салмоқли натижалари билан бутун жаҳон эътиборини тортиб келмоқда. Ватанимизда азалдан кўплаб алломалар, олиму донишмандлар етишиб чиққан. Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин ал-Марғилоний, Абу Райҳон Беруний, имом ал-Бухорий, Муҳаммад ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад ал-Хоразмий, Маҳмуд аз-Замахшарий каби етук аждодларимизнинг номлари ва илм йўлидаги изланишлари, ёзиб қолдирган асарларининг ўзига ҳослиги ва уларнинг ижодлари жаҳон маданияти ҳазинасига қўшилган бебаҳо бойлик бўлиб ҳисобланади.

Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий изланишлар самарадорлигини оширмасак, илмий муассаларда соғлом ижодий муҳитни барқарор қилмасак, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз.

Халқимизнинг олимларга, зиёлиларга азалдан меҳр- муҳаббати бекиёс. Улар билан фахрланиб юради.¹

Тарихдан маълумки, араб тили Ҳиндистондан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Кавказorti ва Европанинг жанубий минтақаларигача ёйилиб, у ерларда ўрта асрларда давлат, дин, илм-фан, маданият тили бўлиб хизмат қилган. Ушбу тилни ўрганувчилар учун ўша ҳудуд олимлари томонидан кўплаб асарлар ёзилган. Араб грамматикасининг шундай етуклик даражасига кўтарилишида Мавароуннаҳр уломоларининг ҳиссалари каттадир. Бундай уломоларни элга танитиш ва асарларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда етишиб чиққан етук мутафаккир олимларга президентимиз И.А.Каримов томонларидан алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бундай олимларимиздан бири бўлган “Жоруллоҳ”, “Устозу-л-араб ва-л-ажам”, “Фахру Хоразм” каби улуғ номларга сазовар бўлган аллома, ҳамюртимиз Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ҳамда унинг маънавий мероси ҳар томонлама ўрганила бошланди. Олим араб тили грамматикаси, адабиёти, аруз, жўғрофия, тафсир, ҳадис ҳамда фикҳга оид 65 та асар ёзиб қолдирган².

Замахшарийшунослик бўйича иш олиб борган олимларимиздан А.Б.Холидов домланинг хизматлари алоҳида ўринга эгадир. Холидов домла Замахшарий асарларининг умумий сонини аниқлаш, уларни мавзуларга ажратиб таснифлаш билан чекланиб қолмай, уларнинг давримизга қадар етиб келганлари (сони) ёки номи фанга маълум, лекин ўзи ҳали топилмаган асарларининг сонини ҳам кўрсатганлар. Баъзи

¹ Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ўзбекистон. 1995. -Б.51

² Исломов З. Араб илмининг дурдонаси –“муқаддамату-л-адаб” асари хусусида. Т.: Маърифат, 2002. – Б. 10.

муаллифлиги мунозарали асарлар ҳақида ҳам маълумот берганлар. Бирламчи манбаларга таянган ҳолда Замахшарийнинг 10 та йўнилиш бўйича 55 та асар ёзганлигини маълум қиладилар.³

Мавзунинг долзарблиги. Ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз ижодининг катта қисмини араб тилшунослигининг морфология, синтаксис, фонетика ва луғатшунослигига бағишлаган. Бундай асарлари орасида энг машҳури “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” – “Наҳв илмидан намуна” асари ҳисобланади. Ўрта асрларнинг машҳур библиографи Ҳожи Халифа ўзининг “Кашфу-з-зунун” асарида Маҳмад Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асари ҳақида шундай дейди: “... “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” аллома Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийга тегишли. У “Ал-Муфассал”дан қисқартирилган. Унинг ёзилиши худди “Ал-Кофия” асари каби бошланувчилар учун фойдали бўлди”⁴.

Бундан кўриниб туридбдики “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи ноёб асар бўлганлигидан халқ орасида кенг тарқалган ва олимларнинг унга қизиқиши кучли бўлган.

“Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарини тилшунослик соҳасида ва араб тилини ўрганиш жараёнида муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асари 2001 йили А. Абдужабборов томонидан чоп этилган. Асар талабаларга ўқув қўлланма сифатида нашр қилинган. Афсуски, ушбу асар бўйича ўқитилиш жараёни жуда ҳам суст эканлиги ҳаммамизга маълум.

Кейинги йилларда Маҳмуд Замахшарийнинг айрим асарларининг илмий тадқиқотлари амалга оширилди. З.М. Исломовнинг “Маҳмуд Замахшарийнинг

³ Холидов А.Б. Замахшарий ҳаёти // Шарқ маъали. Т.: ТошДШ, №1(29) 2005. – Б. 24.

⁴ حسني عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغني. مكتبة الآداب. القاهرة، 1990. ز.

“Муқаддаматул адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили” мавзуидаги докторлик диссертацияси, М.Ю. Ҳақимжоновнинг “Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддаматул адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили. /Исмлар/” мавзуидаги номзодлик диссертацияси, М.А.Носированинг “Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фин-наҳв” рисоласи араб тили грамматикасига оид асар” номли номзодлик диссертацияси шулар жумласидан.

Бироқ, ушбу ишларда араб тилидаги масдарлар мавзуи алоҳида ўрганилган эмас.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Араб тилида масдарлар мавзуида Шарқ ва Европа тилшуносларидан Б.М.Гранде, Ж.Ардабийлий, Абу Анас, Н.Иброҳимов каби арабшунослар ўз асарларида масдарлар ҳақида умумий илмий-назарий хулосаларни бериб ўтишган. Араб тилида масдарлар мавзуи бўйича Ш.Ш.Иброҳимовнинг “Араб тилида масдарлар” мавзуидаги битирув малакавий ишида масдарларнинг араб наҳвчилари ва шарқшунос олимлари томонидан ўрганилиши қиёсий жиҳатдан ўрганилган. Бироқ ушбу тадқиқотларда Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласидаги масдарлар таҳлиliga алоҳида эътибор берилмаган.

Битирув малакавий ишнинг манбалари. Араб тилида масдарлар мавзуини ўрганиш жараёнида асосан, Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв”⁵ рисоласи, Ардабийлийнинг “Шарҳи ал-унмузаж фи-н-наҳв”⁶ асари, Ҳифний Носиб ва бошқаларнинг “Ад-дурус-ун-наҳвийя”⁷ асари ва Б.М.

⁵ Маҳмуд Замахшарий. Ал-Унмузаж. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. – 80 б.

⁶ حسني عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغني. مكتبة الآداب. القاهرة، 1990. ص. 231.

⁷ حفي ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم، محمد صالح. الدروس النحوية. بشرح أبو أنس أشرف بن يوسف بن حسن. الإسكندرية دار العقيدة، 2007. ص. 488.

Гранденинг “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении”⁸ китоби материалларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Араб тилидаги масдарларни ўрганиш, шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласидаги масдарларнинг ёритилиш принципи ва уларнинг араб наҳвчилари, ўзбек ва рус шарқшунос олимлари асарларида ёритилишини таҳлил этиш ушбу мавзунинг мақсади ҳисобланади. Келтирилган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилади:

- Араб тилидаги масдарларни ўрганиш;
- Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласини ўрганиш;
- Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласидаги масдарларнинг ёритилиш принципини аниқлаш;
- Араб наҳвчилари асарларида масдарларни ёритилишини кўриб чиқиш;
- Ўзбек ва рус шарқшунос олимлари асарларида масдарларни ёритилишини таҳлил этиш.

Илмий ишнинг янгилиги. Илмий ишда Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласидаги масдарларнинг ёритилиш принципи таҳлил этилди. Шунингдек, араб тилидаги масдарларнинг арабнаҳвчилари, ўзбек ва рус шарқшунос олимлари асарларида ёритилиши қиёсий жиҳатдан ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотда эришилган хулосалар араб тилида масдарларни ўрганишда, араб наҳвчилари ва шарқшуносларнинг араб тилини ўрганишдаги ўзига хос йўналишларини

⁸ Гранде Б.М. “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении”. М.: Изд.вост.лит., 1963. – 593 с.

аниқлашда ва уларни қиёсий таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эга. Иш араб тилини ўрганувчи олий ва ўрта мактаб ўқувчи ва талабалари, шунинингдек, арабшунослар ва масдар мавзуси бўйича шуғулланувчи ҳар бир киши томонидан қўлланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Илмий иш кириш ва икки боб ва олти бўлимдан иборат. Иш охирида умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова берилган.

I. БОБ. МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “АЛ-УНМУЗАЖ ФИ-Н-НАҲВ” РИСОЛАСИДА МАСДАРЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.

1.1. Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси

Хоразм заминида таваллуд топган Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467-йили ражаб ойининг 27-чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075-йилнинг 19-мартида) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшар қишлоғида таваллуд топди. Шу боисдан ҳам аз-Замахшарий таҳаллусини олган. У Маккада яшаган пайтида, Искандариялик шогирди Шаҳобиддин Аҳмад ибн ал-Хусний ал-Моликийга йуллаган мактубида, ўзи хақида шундай дейди: “Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман, Хоразмнинг

бир кишлоғига (Замахшарга) мансубман. Замахшар туғилган юртимдир.”⁹ - деб ёзган.

Аз-Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимларнинг асарларида келтирилган. Унинг ҳаёти, фаолиятини ёритишда ибн Халликон (“Вафоёт ал-аъёт”), Ёқут ал-Ҳамавий (“Муъжам ул-удоба”), Ибн ал-Анбарий (“Нузҳат ал-алиббо фи табакот ил-удоба”), ал-Йофиъий (“Миръот ал-жинон”), Ибн ал-Жавзий (“Ал-Мунтазам”), Жалолуддин Ас-Суютий (“Бугъйот ал-вуот”), Ибн ал-Қифтий (“Инбах ар-рувот”) ва бошқа араб муаллифларининг асарлари асосий манбалар жумласидандир.

Аз-Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат эмасди, лекин ўз даврининг саводли, зиёли, тақвоси кучли, диёнатли киши бўлган. У аксарият вақтини Қуръони карим тиловати-ю тоат ибодат билан ўтказарди ва Замахшар кишлоғидаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. Отасининг хулқ-атвори яхши, ширинсухан ва ғоят мурувватли киши бўлган. Бу фазилатлари билан эл орасида катта обрў-эътибор топган эди. Унинг онаси ҳам тақводор ва диндор аёллардан бўлган.¹⁰

Аз-Замахшарий ўзининг назмий асарларидан бирида ота-онасию, оила аъзоларидан бирортаси ҳам на шароб, на бошқа ичимликни мутлақо истеъмол қилмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Бундан билишимиз мумкинки, Аз-Замахшарийнинг диний, тақводор оилавий муҳитда шаклланиб, камол топгани бежиз эмас албатта. Шу тариқа, ёш Маҳмуднинг дунёқараши мана шу диндор, тақводор отанинг таъсирида ўтди. Замахшарий дастлабки билими она юрти Замахшарда ўз даврининг илмли кишиларидан саналган отасидан олди. Бироқ аз-Замахшарийнинг бир оёғи чўлоқ бўлиб, у бутун умри давомида ёғоч оёқда юрган. Унинг бир оёғи чўлоқлиги сабаблари ҳақида, тарихчилар ҳар хил

⁹ Уватов Убайдулла. Хоразмлик буюк аллома.-Т.: Янги аср авлоди. 2006. –Б.12

¹⁰ Уватов У. Хоразмлик буюк аллома.-Т.: Янги аср авлоди. 2006. –Б. 13

ривоятларни ёзишган. Бир ривоятда; “У Бухорога илм олиш учун кетаётиб йўлда отдан йиқилиб, оёғи қаттиқ лат егани, бунинг устига қахротон совуқ бўлгани туфойли бир оёғини кестиришга мажбур бўлган”, дейилади.

Аллома мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини тўлиқ эгаллайди. Шу билан бир қаторда ўша даврда илм аҳллари орасида муҳим ҳисобланган ҳаттотлик санъатининг сиру асрорини ҳам мукамал ўзлаштиради.

Араб тарихчиси Ибн Халликоннинг (1211-1288) ёзишича, талабалик ёшига (12 ёшларга) етгач, ўз билимини ошириш ва ҳар томонлама заковат эгаси бўлиш мақсадида у Бухоро шахрига йўл олади. Чунки Бухоро ўша пайтларда ҳам илм марказларидан ҳисобланган.¹¹

У Бухорода ўқишини тугатгач, Хоразмга келади ва бир неча йилдан сўнг турли давлатларга сафар қила бошлайди. У Бағдодда бўлганида, ҳар хил илмлар бўйича Бағдод олимларидан сабоқ олиб, қизғин мунозараларда қатнашади. Бир муддат Бағдодда тургандан кейин яна сафарини давом эттириб Маккага боради. Макка аҳли ва унинг амири Абул-Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос аш-Шариф ал-Ҳасаний, аз-Замахшарийни яхши кутиб олади. Амир Ибн Ваҳҳос фозил, илмли киши бўлиб, у аз-Замахшарийни Маккага келиши билан қизғин табриклайди ва уни ғоятда улуғлаб, кадр-қимматини муносиб баҳолайди. Замахшарий Ҳижозда бўлган пайтида Ҳамадон (Яман)ни ҳам зиёрат қилганлиги ҳақида қасидаларидан бирида ҳикоя қилади. У Арабистон ярим оролининг барча минтақаларини зиёрат қилади ва ат-Таифдан тўрт кунлик йўлда жойлашган бир водийнинг тупроғию аҳли ўзига ёқиб қолганлиги ҳақида тўлқинланиб ёзади.

Ундан: “Ўз умрининг анча қисмини Маккада ўтказдинг, яна Маккага кетаман дейишининг боиси нима?” - деб сўраганларида, у: “Қалб

¹¹ Ўша асар. – Б. 15

хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагина ҳис қилиш мумкин”,- деб жавоб қилади. Маккада аз-Замахшарий ҳаммаси бўлиб беш йилдан ортиқ яшайди. Унга бирор бир олимга насиб этамаган юксак мақом - “Жоруллоҳ” “Аллоҳнинг кўшнисии” деган шарафли мақомни олиш насиб этган. Араб олими Аш-Шайх Муҳхаммад Абу Заҳронинг таъкидлашича, аз-Замахшарий Маккада яшаган даврида аксар вақтини Байтуллоҳ “Ал-Ҳарам”да ўтказган.

У Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин 538 ҳижрий йилнинг арафа кечаси (1144 - милодий йил) Журжония (ҳозирги Урганч)да вафот этади ва шу жойда дафн этилади.

Унинг камолотга кўтарилишида тил, луғат ва адабиёт соҳасида донг таратган олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ад-Даббий ал-Исфажоний алоҳида роль ўйнади. Устозларидан яна бири Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Талха ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабарий ал-Андалусий бўлиб, у ҳам грамматика ва фикҳ соҳасида йирик олим ҳисобланарди. аз-Замахшарий Маккада бўлганида баъзи грамматик китобларни, жумладан, “Шарҳ китоб Сибавайҳ”, “Шарҳ рисолат ибн Абу Зайд” кабиларни унинг ёрдамида ўрганган эди. Замахшарий Бағдодда бўлганида ҳадис илмини Абу ал-Хаттоб ибн ал-Батар, Абу Саад аш-Шаффоний, шайх ул-ислом Абу Мансур Наср ал-Хорисий, фикҳ илмини шайх ал-Хаййатий, ад-Дамғоний, Шариф ибн аш-Шажарийлардан ўрганган эди. Замахшарийнинг бутун умри давомида, ҳатто кексайган чоғида ҳам турли илмларни ўқиб ўрганганлигини билиш мумкин.

Замахшарий ёзган асарларидан, Араб тили грамматикасига бағишлаб ёзилган асари “Ал-Муфассал фи санъат ал-Иъраб” “Флексия санъати ҳақида Муфассал китоб” деб номланган бўлиб, унга қисқача қилиб “Ал-Муфассал” деб ҳам ном берилган. Маккада яшаган пайтида (513-515х.) 1119-1121 йиллар ичида

ёзиб, тугатган. “Ал-Муфассал” араб тили грамматикаси ва морфологиясини ўргатишда йирик қўлланма ҳисобланади.

“Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” - “наҳв илмидан намуна” номли асари эса (515х.) 1121 йили ёзилган. Бу кичик китоб “Ал-Унмузаж” деб ҳам аталиб, аз-Замахшарий ўзининг “Ал-Муфассал” асаридан қисқартириб олган шаклидир. У, бу мўъжаз асарини Мужийр ад-Давла Абу-л-Фатҳ Али ибн ал-Хусайн ал-Ардистонийга ҳадя қилган.

“Ал-Қустос” яъни “Аниқ Мезон” -аруз илмига оид бу асарининг тўлиқ номи “Ал-Қустос ал-мустақийм фи иълм ил-аруз” “Аруз илмида аниқ мезон”дир.

“Атвоқ уз-Заҳаб” “Олтин шодалар” - Бу асарнинг тўлиқ номи “Атвоқ уз-Заҳаб фи-л-ма-воиз ва-л-хутаб” “Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар” бўлиб, аз-Замахшарий уни Маккадалик пайтида, ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврида ёзган.

“Ал-Қасида ал-Баудия” “Чвин ҳақида қасида” - Қомус тарзидаги бу китоб, уч минг тўрт юз олтмиш бир масални ўз ичига олади. Мисоллар алифбо тартибида берилган. Аз-Замахшарий бу асарини 499-ҳижрий санада ёзиб тугатган.

Аз-Замахшарий ижодининг гултожи бўлган ва илм-фан оламида ғоятда кенг танилган “Ал-Кашшоф” асари Қуръони каримга ёзилган машҳур тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужуҳ ит-таъвийл”, “Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич” бўлиб, ғоят қизиқиш билан ўқилган. Бу асар аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтида уч йил давомида (1332-1334) ёзилган .

Аз-Замахшарийнинг хоразмшоҳ Алоуддавла Абдул-музаффар Отсизга бағишлаб ёзилган “Муқаддимат ул-адаб” асари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу ўринда филология фанлари доктори, профессор Н.Иброҳимовнинг хоразмлик буюк олим ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир: “Хоразмдан етишиб чиққан улуғ аллома Маҳмуд аз-Замахшарий араб тилининг грамматикаси ҳақида кўп қимматли асарлар ёзган. Араблар айтадиларки: “Агар шу чўлоқ, муборак зот бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар!” Араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча асарларни шу донишманд ёзиб қолдирган. Унинг китоблари шу кунгача мусулмон Шарқида долзарблигини, қимматини йўқотмаган.

1.2. Маҳмуд Замахшарийнинг рисоласи.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарининг аввали “Басмала ” ва қисқа кириш сўздан бошланади. Асарда муқаддима ҳам бўлиб, у жуда қисқа бўлиб, бир жумладан иборат. Сўнг “сўз” ва “гап”га таъриф берилган,

"بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ. الْمُصَنَّفُ رَحْمَةُ اللَّهِ تَعَالَى: الْكَلِمَةُ مُفْرَدٌ وَ هِيَ إِمَّا اسْمٌ كَرَجُلٌ وَ إِمَّا فِعْلٌ كَضَرَبَ .
و إِمَّا حَرْفٌ كَقَدْ.

الكلام مؤلَّفٌ إِمَّا مِنْ اسْمَيْنِ أُسْنِدَ أَحَدُهُمَا إِلَى الْآخِرِ، نَحْوُ: زَيْدٌ قَانِمٌ، وَ إِمَّا مِنْ فِعْلٍ وَ اسْمٍ، نَحْوُ: ضَرَبَ بَ .
[Ушбу] асар Аллоҳ Таълонинг раҳматидир. Сўз битта [бирлик]дир. У رَجُلٌ – каби
исм, ضَرَبَ - каби феъл ёки قَدْ – каби [“харф” сўз туркумига оид] юклама бўлади.
Гап бири иккинчисига кесим бўлган икки исмдан иборат бўлади. Масалан: زَيْدٌ قَانِمٌ
– “Зайд турибди” – каби, ёки феъл ва исмдан иборат бўлади: ضَرَبَ زَيْدٌ – “Зайд
урди” – каби. [Бу] жумла [деб ҳам], калом [деб ҳам] аталади”¹².

Асар 3 бобдан иборат бўлиб, 1–боби بَابُ الْإِسْمِ - “Исм боби” деб номланган.
Бу қисм асарнинг бошқа бобларига нисбатан ҳажим жиҳатидан каттароқ бўлиб,
муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Мазкур бобда дастлаб “Исм” категориясига
таъриф берилган ва унинг 12 тури санаб ўтилган. Улар:

1. اسمُ الْجِنْسِ – “Турдош от”.
2. الْعَلْمُ - “Атоқли от”.
3. الْمُعْرَبُ وَ تَوَابِعُهُ – “Турланадиган ва уларга тобеъ исмлар”.
4. الْمَبْنِي – “Турланмайдиган исмлар”.
5. الْمُتْرَبِي – “Иккилик [сон]даги исмлар”.
6. الْمَجْمُوعُ – “Кўплик [сон]даги исмлар”.
7. الْمَعْرِفَةُ وَ النَّكْرَةُ – “Аниқ ва ноаниқ [ҳолатдаги] исмлар”.
8. الْمُذَكَّرُ وَ الْمُؤَنَّثُ – “Музаккар ва муаннас [жинсдаги] исмлар”.¹³
9. الْمُصَغَّرُ – “Кичрайтма отлар”.
10. الْمَنْسُوبُ – “Нисбий отлар”.
11. أَسْمَاءُ الْعَدَدِ – “Сон”.
12. الْأَسْمَاءُ الْمُتَّصِلَةُ بِالْأَفْعَالِ – “Феъллар билан боғлиқ исмлар”.¹⁴

¹² Носирова М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар.-Т.:Тошкент Давлат Шарқшунослик институти., 2004.- Б.25

¹³ Музаккар жинс – рус тилидаги “мужской род”, муаннас жинс – рус тилидаги “женский род”.

Юқорида санаб ўтилган 12 тур мавзулари ҳақида қисқа маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки. “Исм”¹⁵ бобидаги биринчи мавзу *إسم الجنس* – “Турдош от” ва иккинчи мавзу *العلم* – “Атоқли от” мавзуси жуда қисқа, лўнда таърифланган.

Учинчиси *المعرب و توابعه* – “Турланадиган ва унга тобеъ исмлар”¹⁶ мавзуси “Исм” бобининг асосини ташкил қилади.

“Турланадиган исмлар” мавзуида уч келишикли *المنصرف* ва икки келишикли *غير منصرف* исмлар ҳақида умумий қоидалар берилиб, улар “бош, тушум ва қаратқич келишигидаги исмлар” мавзуларида кенг баён қилиб ўтилган. Кейинги *التوابع* – “[Турланадиган исмлар билан мослашадиган] тобеъ сўзлар” мавзуси беш гуруҳга бўлиб, лўнда ва аниқ тушуштирилган.

Кейинги қисм *المبني* – “Турланмайдиган исмлар” деб номланиб, унда олмошларнинг барча турлари мисоллар ёрдамида кенг ёритилиб ўтилган.

Навбатдаги *المتنزي* – “Иккилик [сон]даги исмлар”га бағишланган қисмдир. Бу ҳам қисқа мисоллар билан тушунтириб ўтилган.

Кейинги *المجموع* – “Кўплик [сон]даги исмлар” мавзусига ўтилган. Бу бўлим икки қисмдир: 1. *مصحح* – “Тўғри кўплик”. 2. *مكسر* - “Синиқ кўплик”дан иборат бўлиб, у ҳам яна уч турга бўлиб изоҳланган.

Навбатдаги *المعرفة و النكرة* – “Аниқ ва ноаниқ [ҳолатдаги] исмлар” мавзусидир. Бунда *المعرفة* мавзуини беш турга бўлиб баён қилган ва *النكرة* эса қисқа мисол орқали тушунтириб ўтилган.

Кейингиси эса *المذكر و المؤنث* – “Музаккар ва муаннас [жинсдаги] исмлар” мавзуига ўтлади. Музаккар ва муаннас исмлар алоҳида баён қилиниб “Ҳақиқий

¹⁴ Носирова М. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар.-Т.:Тошкент Давлат Шарқшунослик институти,2004.- Б. 25-44.

¹⁵ Феъллардан ясалган исмлар.

¹⁶ Яъни, турланадиган исмлар билан мослашадиган исмлар.

муаннас жинсдаги исимлар” – *حقيقي* ва “Лафзий муаннас жинсдаги исмлар” – *غير حقيقي* – ва ҳар икки жинс учун умумий бўлган – *فَعُولٌ و فَعِيلٌ* – қолипларига оид мавзулар ёритилган.

Навбатдаги *المصغر* – “Кичрайтма отлар” мавзуи эса кенгроқ қилиб, бир неча мисоллар билан баён қилинган.

المنسوب – “Нисбий отлар” мавзуи ўзига ҳос қўшимчаларни келтириб, уларни мисоллар билан изоҳлаган. Масалан: *بَصْرِيٌّ - بَصْرٌ*¹⁷ каби.

أسماء العدد – “Сон” мавзуи бўлиб, у ҳам лўнда баён қилинган, сўнгида эса *الأسماء المتصلة بالأفعال* – “Феъллар билан боғлиқ исмлар” баёни бошланади. Ушбу мавзу беш гуруҳга бўлинади:

1. *المصدر* - “Масдар”.
2. *اسم الفاعل* - “Аниқ даража сифатдоши”.
3. *اسم المفعول* - “Мажхул даража сифатдоши”.
4. *الصفة المشبهة* - “Феълдан ясалган сифатлар”.
5. *أفعال التفضيل* - “Сифатнинг оттирма даражаси”.

Аллбатта бу боб мавзулари ўзига ҳос усулда жуда ҳам аниқ баён қилинган.

Шу тариқа исмлар боби ниҳоясига етади.

“Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласининг 2-боби *بَابُ الْأَفْعَالِ* – “Феъллар боби” деб аталади. Ушбу бобда феъл сўз туркумларига таъриф бериш билан бошланган. Мазкур бобда, қуйидаги феъл кўринишлари ўрин олган.

1. *الْمَاضِي* - “Ўтган замон феъли” деб номланган, у жуда қисқа баён қилинган. Ўтган замонга мисол қилиб *ضَرَبْتُ*¹⁸ ни келтириб ўтган.

¹⁷ Абдужабборов А. Ал-Унмузаж.-Т.:Тошкент ислом университети., 2001.- Б.28

¹⁸ Ўша асар. – Б.32

2. الْمُضَارِعُ - “Ҳозирги-келаси замон феъли” деб номланиб, бу кенгрок ёритилиб ўтилган.

3. الْأَمْرُ - “Буйруқ майли” дейилиб, у ҳам жуда қисқа тушунтирилган.

4. الْمُتَعَدِّي وَغَيْرُ الْمُتَعَدِّي - “Ўтимли ва ўтимсиз феъллар”. Ушбу мавзу ўз ўрнида яна икки гуруҳга бўлиб баён қилинган: 1) المتعدي - “Ўтимли феъллар”, 2) غير المتعدي - “Ўтимсиз феъллар”.

5. الْمُبْنِي وَ لِلْمَفْعُولِ - “Мажхул даражадаги феъллар” деб номланиб, бу ҳам қисқа баён қилиб ўтилган.

6. أَفْعَالُ الْقُلُوبِ - “Ўйлаш, ҳисоблаш маъносидаги феъллар” деб аталади. Муаллиф бундай феълларнинг 7 тасини санаб ўтган. Улар: خَلَا ، حَسَبَ ، ظَنَّ زَعَمَ ، دَانَ ، عَلِمَ ، وَجَدَ ، رَأَى ،

7. الْأَفْعَالُ النَّاقِصَةَ - “Ёрдамчи феъллар” деб номланиб. Ушбу ўринда қуйидаги - كَانَ ، صَارَ ، أَصْبَحَ ، أَضْحَى ، ظَلَّ ، بَاتَ ، مَا زَالَ ، مَا بَرِحَ ، مَا فَتَى ، مَا انْفَكَ ، مَا دَامَ ، لَيْسَ феъллар ҳақида лўнда мисоллар билан изоҳланган.

8. أَفْعَالُ الْمُقَارَبَةِ - “Иш-ҳаракатини яқинлигини билдирувчи феъллар” деб аталиб, бу ўринда эса - كَرِبَ ، كَادَ ، أَوْشَكَ ، كَرِبَ феъллари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

9. فِعْلًا الْمَدْحِ وَالذَّمِّ - “Олқиш ва қарғишни ифодаловчи феъллар” дейилган, унга - حَبَدًا ، سَاءَ ، بَدَأَ ، نَعِمَ ، بِئْسَ феъллари ҳақида айтиб ўтилган.

10. فِعْلًا التَّعْجِبِ - “Таажжубни ифодаловчи феъллар” дейилиб, унда - أَفْعَلٌ ва ما أَفْعَلٌ ب феъллар вазнидан ҳосил бўлиши ҳақида айтиб ўтилган.¹⁹

Бу бобда ҳам феъллар навини баён қилишда қисқа ва самарали усул қўлланилган. Асарнинг ушбу боби шу йўсинда яқунланади.

Асарнинг сўнги, 3-боби бўлган بَابُ الْحُرُوفِ - “Ҳарфлар боби” деб номланиб, ушбу боб ҳарфлар - ёрдамчи сўзларга бағишланган. Бунда араб тилидаги

¹⁹ Носирова А.М. Маҳмуд аз-Замахшарий. “Ал-Унмузжа фи-н-наҳв” рисоласи. ТошДШ институти. – Т.: 2005. –Б. 84-85.

юклама, боғловчи, олд кўмакчилар ҳақида айтиб ўтилиб, ушбу бобда ҳарфларга бағишланган куйидаги 23 тур ҳақида маълумот берилган.

1. حُرُوفُ الْإِضَافَةِ - “Предлог ҳарфлари” дейилиб, от, сифат, сон каби исм туркумига кирувчи сўз туркумларини қаратқич келишигида келишини талаб қилувчи олд кўмакчилари, яъни - مِنْ، إِلَى، حَتَّى، فِي، بَ، لَ، رَبَّ، عَلَى، عَنْ، كَ، مَذْ، مُنْذُ، حَاشَا، - ва қасамни ифодаловчи - وَعَدَا، خَلَا، عَدَا، ت - предлоглари ҳақида маълумот берилган.

2. الحُرُوفُ الْمُشَبَّهَةُ بِالْأَفْعَالِ - “Феълларга ўхшаш юкламалар” деб номланиб, бунда исмларни тушум келишигида келишини талаб қилувчи - إِنَّ، أَنْ، لَكِنَّ، كَأَنَّ، لَيْتَ - юкламалари мисоллар ёрдамида тушунтириб ўтилган.

3. حُرُوفُ الْعَطْفِ - “Боғловчи ҳарфлар” дейилиб, бунда бриктрувчи - وَ، فَ، - ва айирувчи - أَوْ، أَمْ، إِمَّا - зидловчи - لَكِنَّ، بَلْ، لَئِنْ - боғловчилари муаллиф томонидан изоҳлаб ўтилган.

4. حُرُوفُ النَّفْيِ - “Инкор юкламалари” дир. Улар жумласига - مَا، لَا، لَمْ، لَمَّا، - юкламаларини киритган.

5. حُرُوفُ التَّنْيِيفِ - “Огоҳлантирувчи ҳарфлар” деб номланган. Булар - هَا، هَهُنَا، هُنَا، - бўлиб, уларни лўнда мисоллар билан баён қилган.

6. حُرُوفُ النِّدَاءِ - “Ундов юкламалаи” бўлиб, булар жумласига - يَا، أَيُّهَا، - ни киритиб, жуда қисқа тушунтирилган.

7. حُرُوفُ التَّصْدِيقِ - “Тасдиқ юкламалари” дейилган бўлиб, бу туркумга - إِي، بَلَى، نَعَمْ، أَجَلْ، جَيْرِ، - юкламалари киритилган ва мисоллар ёрдамида тушунтириб ўтилган. Масалан: *خَا اَللّٰهُغَا قَاسَمَكِي* ²⁰ *إِي وَ اَللّٰهُ*.

8. حُرُوفُ الْاِسْتِثْنَاءِ - “Истисно юкламалари” деб номланиб, унда - حَاشَا، خَلَا، - юкламалари жуда қисқа равишда айтиб ўтилган.

9. حَرَافَا الْخِطَابِ - “Хитоб юкламалари” бўлиб, *يَا* - ва *ت* га бағишланган.

²⁰ Абдужабборов А. Ал-Унмузаж.-Т.:Тошкент ислом университети., 2001.- Б. 41

22. النُونُ الْمُؤَكَّدَةُ - “Кучайтирувчи “нун”” ҳақида бўлиб, бунда келаси замон феълларининг охирига қўшилувчи “оғир” ва “енгил” – ن га бағишлангандир.

23. هَاءُ السَّكْتِ - “Паузали “ҳ”” га тегишлидир. У ҳақида ҳам қисқа мисол билан баён қилиб ўтилган.²¹

Шу шаклда асар тузилиб, қисқа ва тушунарли ҳолда баён қилинган. Асар ҳақиқатдан ҳам араб тилини илк бошловчилар учун ҳам ва араб тилини ўргатувчилар учун ҳам фойдали манбадир. Асарда мавзуларининг баён қилиниш тарзи ҳам ўзига ҳослиги билан уни ўрганувчи ҳар қандай талабани ҳам зериктириб қўймайди.

²¹Носирова М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар.-Т.:Тошкент Давлат Шарқшунослик институти,2004.- Б. 51-59.

1.3. “Ал-Унмузаж фи-н-нахв” рисоласида масдарлар баёни.

Махмуд аз-Замахшарийнинг масдар ҳақидаги ўзининг “Ал- Унмузаж” номли асарининг 1-боби бўлмиш **بَابُ الإِسْمِ** - “исм боби”да тўхталиб ўтган. Бу мавзуни исмлар бобининг 12- фаслида яъни, “**إِش-الْأَسْمَاءُ الْمُتَّصِلَةُ بِالْأَفْعَالِ**” - “Иш-ҳаракатлари билан боғлиқ исмлар” қисмида ёритиб ўтган.

Ушбу фаслга муъаллиф ²² “**مشتقات الأسماء**” - “Ясама исмлар” деб ҳам ном берган.

Замахшарий шундай дейди: ²³ **فالمصدرُ هو الاسمُ الذي يُشتقُ مِنْهُ الفعلُ و يَعْمَلُ عمل فعله**” - Масдар иш-ҳаракати билан боғлиқ исмлардан бўлиб, феъл ундан ясалади. Ҳамда масдар феъл вазифасини бажара олади. Масалан: **عَذِبْتُ مِنْ** - *Зайд Амрни уришидан ажабландим. ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا*.

حسني عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغني. مكتبة الآداب. القاهرة، 1990، ص. 124.

²³ Ўша асар. – Б. 124

Замахшарий масдар феълдан ясалади, эмас, балки масдардан феъл ясалади деб таъриф берган.

Замахшарий масдар феълнинг вазифасини бажариши мумкин, дейилишлиги билан, у ҳоҳ ўтган замондаги, ҳоҳ ҳозирги замон ёки келаси замон бўлсин фарқи йўқ эканига ишора қилади. Масалан: (الآن ёки غداً) عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ زَيْدٍ - Мен Зайднинг Амрни кеча (ҳозир ёки эртага) уришидан ажабландим.

Ушбу жумлада Замахшарий زَيْدٌ ни фоил эканига кўра бош келишкда қўйган. عمراً сўзини эса (воситасиз тўлдирувчи) мафъулун бих бўлгани учун тушум келишигида турибди. Яъни, ушбу жумлани яна қуйидагича қилиб берилса, тушунишга янада осон бўлади. Масалан: (غداً) عَجِبْتُ مِنْ أَنْ ضَرْبَ زَيْدٍ. (إن يَضْرِبَ الْآنَ عَمْرًا)

Ардабийлий айтади:²⁴ " فإن شئت قدمت المفعول علي الفاعل " - Бунда мафъулни фоилдан олдинга қўйиш ҳам мумкин. Масалан: عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ عَمْرًا زَيْدٌ

Замахшарий айтади:²⁵ " و يضاف إلي الفاعل فيبقي المفعول منصوبًا " масдар фоил билан изофа бўлиб келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ҳам мафъулун бих ўз кучида қолади (тушум келишигида қолади). Масалан: عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ زَيْدٍ عَمْرًا

²⁶ " أو إلي المفعول، فيبقي الفاعل مرفوعًا " – ёки масдар мафъулун бих билан изофа бўлиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда фоил бош келишикда қолади. Масалан: عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ عَمْرٍ زَيْدٌ

Ардабийлийнинг айтишича; "إنما جُوزت الإضافة للتخفيف، و هذه الإضافة إضافة معنويةُ " - бу ерда ²⁷ بمعني اللام ، بدليل قولهم: عَجِبْتُ مِنْ قِيَامِكَ الْحَسَنِ، فَإِنَّ الْحَسَنَ صِفَةُ الْفِيَامِ مَعَ أَنَّهُ مَعْرَفَةٌ. " изофа қилиб келтирилганига сабаб тилга осон бўлиши учун бўлган, бу изофа "لِ"

²⁴ Ўша асар. – Б. 125

²⁵ حسني عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغني. مكتبة الآداب. القاهرة، 1990، ص. 125

²⁶ Ўша асар. – Б. 125

²⁷ Ўша асар. – Б. 125

маъносидаги маънавий изофа ҳисобланади. Бунга қуйидагича далил келтирадилар. Масалан: *عَجِبْتُ مِنْ قِيَامِكَ الْحَسَنَ* – чиройли туришинингдан ажабландим.

Ушбу жумлада *السَّيْرَ الْحَسَنَ* сўзи *السَّيْرَ الْحَسَنَ* сўзига сифат бўлиб келган. Бу ерда *السَّيْرَ الْحَسَنَ* сўзи аниқ ҳолатда турибди. Бундан *السَّيْرَ الْحَسَنَ* сўзининг ҳам аниқ ҳолатда эканини, унинг музоф илайҳи *ك* бирикма олмоши билан *ل* маъносидаги тўлиқ изофа ҳосил қилгани келиб чиқади.

Замахшарий айтади: ²⁸" *و لا يتقدّم عليه معموله* " - Масдардан маъмулун бих олдин келмайди.

Ардабийлий айтади: *"المراد بالمعمول المفعول، و سببه أنّ المصدر مَقْدَرٌ بأنّ مع الفعل، فكما لا يتقدم ما بعد أن عليها، لا يتقدم ما بعد المصدر عليه."*²⁹

Чунки масдар “феъл билан келган *أَنْ*” маъносини ифодалаши нуқтаи назаридан, *أَنْ* кейинги сўз (яъни феъл) ундан олдин келмагани сингари, масдардан кейин сўз (яъни тўлдирувчи) ҳам ундан олдин келмайди. Масалан: *زيدٌ ضَرَبَكَ خَيْرًا لَهُ* - шундай дейиш нотўғри бўлганидек, *زيدًا أَنْ تَضْرِبَ خَيْرٌ لَهُ* - дейиш ҳам нотўғридир.

Замахшарий асарда масдарлар ҳақида юқоридаги маълумотларни баён қилиб, бу мавзуга яна асарнинг *بَابُ الْحُرُوفِ* – “Ҳарфлар боби” нинг 12-фаслида яъни, *الحرَفَانِ الْمَصْدَرِيَّانِ* - “Икки масдарлик юклама” деб номланучи бу қисмда шундай дейди: Икки масдарлик юкламалар “*أَنْ*” ва “*مَا*” юкламаларидир.

Замахшарий дейди: икки масдарлик юкламасининг биринчиси “*أَنْ*” дир.³⁰ Масалан: *أَعْجَبَنِي أَنْ خَرَجَ زَيْدٌ* - Зайд чиқишидан ажабландим. Яъни *خُرُوجِ زَيْدٍ* маъносида ёки *أُرِيدُ أَنْ تَخْرُجَ* - чиқишинингни хоҳлади. Яъни *خُرُوجَكَ* маъносида дейди.

²⁸Ўша асар. – Б. 125

²⁹Ўша асар. – Б. 125

Кейинги икки масдарлик юкламасининг иккинчиси "ма" дир ³¹ . Масалан: ³² ضَاقَتْ عَلَيْهِمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ - "Уларга Ер (шунча) кенглиги билан торлик килди..."³³ Яъни بِرُحْبِهَا маъносидадир дейди³⁴ .

Ушбу икки юкламанинг масдарлик юкламалари дейилишига сабаб шуки, улар ўзидан кейинги феъл билан масдар маъносини ифодалайди.

Ардабийлий айтади: "وَ اعلم أن (أنَّ) المفتوحة المثقلة من الحروف المصدرية أيضًا؛ لأنها تجعل
³⁵ билгинки أَنَّ ҳам масдарлик ҳарфи ҳисобланади. Негаки у иштирок этган жумладан ҳам масдарлик маъносини (-лик, эканлик) англашилади. Масалан: سَمِعْتُ أَنَّ زَيْدًا سَعِيدٌ - Зайднинг бахтли эканлигини эшитдим. Яъни سَعَادَتُهُ - маъносида.

Ардабийлийнинг айтишича, муаллиф أَنَّ ҳақида исмий жумла мавзусида маълумот бериш билан чекланиб, унинг масдарлик маъноси ҳақида маълумот бермай кетган.

Масдарлар ҳақида муаллиф қисқа ва лўнда баён қилган. Лекин мавзунинг қисқалиги билан бирга масдарлар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш мумкин. Мавзунинг баён қилиниш тарзи умуман бошқа асарлардан фарқли бўлиб, унга қўшимча равишда Ардабийлийнинг ҳам шарҳи ўзига хослиги билан ажралиб туради.

³⁰ حسني عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغني. مكتبة الآداب. القاهرة، 1990، ص. 197.

³¹ Ўша асар. – Б. 197

³² الآية 118 من سورة التوبة.

³³ Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т.: ТИУ, 2006. – Б. 206.

³⁴ Ўша асар. – Б. 197

³⁵ Ўша асар. – Б. 198

II. БОБ. АРАБ АДАБИЙ ТИЛИДА МАСДАРЛАР ВА УЛАРНИНГ АРАБ НАҲВЧИЛАРИ, ҲАМДА АРАБШУНОС ОЛИМЛАРНИНГ АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.

2.1. Араб тилида масдарлар ва унинг турлари.

Феълнинг отга хосланган шакли ўзбек тилида ҳаракат номи дейилади ва феъл асосларига – иш, - ув, - моқ, - мак қўшимчаларини қўшиш йўли билан ясалади.

Ҳаракат номи отлар каби эгалик, келишик ва кўплик қўшимчаларини олади ва гапда улар бажарадиган гап бўлаклари вазифасида келади.³⁶ Масалан: Чиройли ёзишни ўрган! Ёзувнинг ёмон эмас кабилар киради.

Араб тилида ҳаракат номи масдар дейилади ва феълдаги маънони шахс ва сондан, замондан ва жинсдан холи ҳолда ифодалайди. Масалан: دُخُولٌ – دَخَلَ، مَغْفِرَةٌ – عَبَّرَ، ذَهَابٌ – ذَهَبَ – каби мисолларни айтиш мумкин.

Араб тилида масдарлар бошқа исмлардан очиқ фарқланадиган бирор белгига эга эмас. Чунки уни гап таркибида ёки алоҳида келганида, масдарми ёки бошқа сўз туркумими билиш осон бўлмайди. Шунинг учун ҳам феълларнинг ҳар бир боби учун ўзига хос масдар вазнлари мавжуд бўлиб, уларни ёдлаш орқали билиш мумкин ёки замонавий луғатларда ҳар бир I-боб феълдан кейин ўша феълнинг масдари ёзиб қўйилган бўлиб, шу луғат орқалигина масдарнинг вазнини билиб олиш мумкин. Юқорида айтилганидек ҳар бир боб ўзига хос масдар вазнига эга. Булар ичида энг мураккаби I-боб феълнинг масдаридир. Чунки I-бобдаги ҳар бир феълдан масдар ўзига хос вазнда ясалади. Масалан: سَكْنَى- سَكَنَ، سَهْلٌ- سَهَّلَ، عَرَفَانٌ- عَرَفَ، كَرَاهِيَةٌ- كَرِهَ каби мисоллар I-боб феълнинг масдарлари ҳисобланади.

³⁶ Дадахонов А. Она тили фанидан қўлланма. Наманган.: 2010. – Б.125

Масдарлар феълдан ясалгани билан грамматик хусусиятларига кўра отга кўпроқ ўхшаб кетади. Масдар ҳам танвин кўшимчасини қабул қилади ҳамда отлар каби келишикларда турланади. Унинг иккилик сони от каби кўшимчага эга. Масалан: نَصْرَان - نَصْرٌ - Бош. к.

نَصْرَيْن - نَصْرٌ - Қар. к.

نَصْرَيْن - نَصْرٌ - Туш. к.

Шу билан бирга масдарларнинг феъллик хусусияти ҳам йўқ эмас. Бошқа тилларда бўлгани дек араб тилида ҳам кўпчилик сўзлар, шу жумладан масдарлар ҳам отлашади. Масалан: عِلْمٌ - عِلْمٌ - билиш – илм,

طَلَبٌ - طَلَبٌ - талаб қилиш – талаб каби мисоллар киради.

Масдарлар отга айланганидан кейин отлар қандай хусусиятга эга бўлса, улар ҳам шундай хусусиятларни қабул қилади ва улар ҳам кўплик шаклларига эга. Масалан: عُلُومٌ - عِلْمٌ - илмлар,

سُؤَالٌ - أَسْئَلَةٌ - саволлар

Масдарлар ўз хусусиятини йўқотиб отлашгандан сўнг энди “нима қилиш” сўроғига эмас, балки “нима” саволига жавоб бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган масдарларнинг грамматик хусусиятлари фақат I-боб учун эмас, балки барча боблар учун умумийдир. Бу нарса нотўғри феълларга ҳам тааллуқлидир. Лекин нотўғри фкълардан масдарлар ҳосил бўлиши ўзига хос морфологик хусусиятларга эга. Масалан: هَيْبَةٌ - وَهَبٌ каби.

Араб тилида масдарларнинг турлари бир қанча бўлиб, улардан бир “Масдари мутлоқ” дир. Унинг вазифаси феълдан англашилган маънони кучайтириш учун ишлатилади. Масалан: ضَرْبٌ ضَرْبًا شَدِيدًا - қаттиқ урди маъносида.

Масдарларнинг яна бир тури “Масдари мимия” дир. Унда феълнинг бошига “мим” ҳарфини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Бундай масдар 3-ундошли феълларда (I-боб) مَفْعَلٌ вазнида бўлади. Масалан: مَنْظَرٌ - қараш, مَضْرَبٌ – уриш.

Яна бир тури “Масдарнинг вазифаси” дейилиб, масдар 3 ҳолатда, яъни: музоф бўлиб келганда ёки "ال" артикилисиз ва изофасиз келганда ёки "ال" билан аниқланиб келганда феълнинг вазифасини бажаради. Бунинг маъноси шуки, агар ўша масдар ўтимли феълдан иборат бўлса, тўлдирувчи таъсир қилиб, уни тушум келишигида туришини талаб қилади.

Араб тилида масдарлар ва унинг турлари ҳақида қисқа равишда юқоридагиларни айтиб ўтишни ўринли деб билдик. Масдарлар ҳақида кейинги фаслларда батафсил тўхталиб, уларни гапларда ишлатилиши ва грамматик хусусиятлари ҳақида ҳам алоҳида баён қилиб ўтамыз.

2.2. Араб нахвчиларининг масдар ҳақидаги фиклари.

Ясама сўларнинг биринчиси масдар бўлиб, у замонсиз фақат иш-ҳаракатини ифода қилади.³⁷ Масалан: نَصْرٌ ، كِرَامٌ каби.

Феълларнинг 3,4,5,6 ундошли бўлиши биз учун маълум. Уч ундошли (сулосий) феълга масдар жуда кўп вазнда келади. Уни билиш фақат эшитиш орқали бўлади. Лекин кўп ҳолларда қуйидагича келади.

³⁷حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم، محمد صالح. الدروس النحوية. بشرح أبو أنس أشرف بن يوسف بن حسن. الإسكندرية دار العقيدة، 2007. ص. 381

1. **فَعَالَةٌ** – вазнида бўлган, касбга ишора қилувчи масдарлар. Масалан: **حِياگَةٌ، تِجَارَةٌ، زِراعَةٌ** каби.
2. **فِعَالٌ** – вазнида бўлган, бош тортишга ва тийилишни ифодаловчи масдарлар. Масалан: **جِماخٌ، شِرادٌ، اِباءٌ** каби.
3. **فَعْلَانٌ** – вазнида бўлиб, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи масдарлар. Масалан: **عَلِيانٌ**–қайниш, **جولانٌ** – айланиш каби.
4. **فُعَالٌ** – вазнида бўлиб, дардни ифодаловчи масдарлар. Масалан: **صُداعٌ** - бош оғриши, **زُكامٌ** – шамоллаш, **دُوارٌ** – бош айланиши каби.
5. **فَعِيلٌ** – вазнида бўлиб, юришни, ҳаракатни билдирувчи масдарлар. Масалан: **رَحِيلٌ** – сафар қилиш, **دَمِيلٌ** ва **رَسِيمٌ** - кучиш каби.
6. **فَعِيلٌ** ва **فُعَالٌ** – вазнида бўлиб, тофуш (овоз)ни билдирувчи масдарлар. Масалан: **صُراخٌ** – қичқириш, **زَنيرٌ** – инграш каби.
7. **فُعْلَةٌ** – вазнида бўлиб, рангни ифодаловчи масдарлар. Масалан: **حُمْرَةٌ** – қизил, **زُرْقَةٌ** – кўк, **خُضْرَةٌ** - яшил каби.³⁸

Юқоридагилардан бирортасини ҳам ифода қилмаган масдар бўлса, у ҳолда кўпроқ қуйидагича келади.

1. **فَعْلٌ** – вазнининг масдари **فُعُولَةٌ** ёки **فَعَالَةٌ** вазнида бўлади. Масалан: **سُهُولَةٌ** – осон бўлиш, **نَباحَةٌ** – зийрак, ақлли кабилар.
2. Ўтимсиз – **فَعِلٌ** феълининг масдари **فَعْلٌ** - қолипида бўлади. Масалан: **فَرَحٌ** – хурсанд бўлиш, **عَطشٌ** – чанқаш.
3. Ўтимсиз – **فَعْلٌ** феълининг масдари - **فُعُولٌ** бўлади. Масалан: **فُعُودٌ** – ўтириш, **نُطُوحٌ** – уйғониш, **خُرُوجٌ** – чиқиш каби.
4. Ўтимли – **فَعْلٌ** ва **فَعِلٌ** феълининг масдари – **فَعْلٌ** бўлади. Масалан: **فَهْمٌ** – тушиниш, **نَصْرٌ** – ёрдам бериш каби.

Тўрт ундошли (рубояи) феълларнинг масдари қуйидагича бўлади.

³⁸ Ўша асар. – Б. 381-382

1. Агар феъл, أَفْعَلَ – вазнида бўлса, унинг масдари – إِفْعَالٌ вазнида бўлади. Масалан: اِكْرَمٌ – اِكْرَامٌ – ҳурмат қилиш.

2. Агар феъл - فَعَّلَ вазнида бўлса, унинг масдари – تَفْعِيلٌ бўлади. Масалан: قَدَّمَ – تَقْدِيمٌ – бериш каби.

3. Агар феъл– فَاعَلَ вазнида бўлса, унинг масдари – فِعَالٌ ёки مُفَاعَلَةٌ вазнида бўлади. Масалан: قَاتَلَ – قِتَالٌ – مُقَاتَلَةٌ - кесиш, сўйиш каби.

4. Агар феъл – فَعَّلَ вазнида бўлса, унинг масдари – فَعْلَلَةٌ бўлади. Масалан: دَخَرَاجٌ – دَخْرَجَةٌ - юмалаш.³⁹

Агар феъл, ўзаги такрорлаб فَعَّلَلَ – вазнида бўлса, فِعْلَالٌ – бўлиб ишлатилади. Масалан: وَسَوَّسَ – وَسَوَّسَةٌ – وَسَوَّسَ – тушкунликка тушиш каби ҳолларда келади.

Беш (хумосий), олти (судасий) ундошли феълларнинг масдари иккисининг ҳам боши ҳамзаи васлийя билан бошланган бўлса, охиридан олдингиси бир алиф орттирилиб, учинчи ҳарфини касра қилиб, мозийсини вазнида ясалади.

Масалан:

إِنطَلَقَ – إِنطِلاقٌ – ташлаш.

إِسْتخرَجَ – إِسْتِخْرَاجٌ – чиқариш.

Агар феълнинг боши "ت" префикси билан бошланган бўлса, фақат мозийсини охиридан олдинга ҳарфи замма қилиниди.⁴⁰ Масалан:

تَقَدَّمَ – تَقَدُّمٌ – илдамлаш, ривожланиш каби бўлади.

Феълнинг 2-ўзак ҳарфи “алиф” бўлса, إِفْعَالٌ ва إِسْتِفْعَالٌ (ва Х-боб) масдарларида “алиф” тушиб қолади ва унинг ўрнига сўз охирига "ة" (тамарбута) қўшилади. Масалан:

إِقَامَةٌ – أَقَامَ

إِسْتِرَاحَةٌ – إِسْتَرَاحَ

Агар 3-ўзаги “алиф” бўлса, فَعَّلَ нинг масдари - تَفْعِيلٌ (II-боб) да "ي" тушиб қолиб, охирига "ة" қўшилади. Масалан: تَزَكَّى – تَزَكِيَةٌ - Шунингдек, تَفَعَّلَ ва تَفَاعَلَ

³⁹ حَفْنِي نَاصِف، مُحَمَّد دِيَاب، مَصطَفَى طَموم، مُحَمَّد صالِح. الدروس النحوية. بِشْرَحِ أَبُو أَنَسِ أَشْرَفِ بْنِ يوسُفِ بْنِ حَسَنِ. الإسْكَندرية دار العقيدة، 2007. ص. 382.

⁴⁰ Ўша асар. – Б. 382

феълларида 3-ўзаги “алиф” бўлса, алиф ўрнига "ي" келиб, ундан битта олдинги ҳарфнинг ҳаракати “касра” қилинади. Масалан: تَأْنٍ = تَأْنِي (التَّائِي) V- боб

التَّقَاضِي (التَّقَاضِي) VI- боб = تَقَاضِي

Қолган ҳолатларда эса алифдан кейин келадиган "ي" ҳарфи "ء"(хамза)га ўзгариб кетади. Масалан:

(III- боб) والِي ---- وَايٌ ---- ولاءٌ - дўстона муносабатда бўлиш.

(IV- боб) أَلْفِي ---- إلفايٌ ---- إلقاءٌ - ташлаш.

(VII- боб) انطَوِي ---- انطوايٌ ---- انطواءٌ - ёпилиш.

(VIII- боб) أَلْتَقِي ---- ألتقايٌ ---- ألتقاءٌ - йўлиқиш.

(X- боб) استَوَلِي ---- استويلايٌ ---- استيلاءٌ – эга бўлиш⁴¹

Бир марталик иш-ҳаракати ва ҳолатни ифодалаш.

I-боб феъли англатадиган иш-ҳаракати агар бир марта содир бўлган бўлса, فَعْلَةٌ қолипида ифодаланади. Иш-ҳаракатнинг қай ҳолатда бажарилганини эса فَعْلَةٌ вазнидаги масдар билан ифода этилади. Масалан: هُوَ يَأْكُلُ فِي الْيَوْمِ أَكْلَةً غَيْرَ أَنَّهُ يَأْكُلُ إِكْلَةً - у кунига бир марта ейди, бироқ у очофатлардек ейди.

Қолган бобларда эса бир марталик иш-ҳаракатни ифодалаш учун ўша боб масдарига "ة" қўшилади.⁴² Масалан: انطِلاقَةٌ – انطلقَ

Бу феълларнинг ҳолатни ифодаловчи масдарлари йўқ.

Агар масдарнинг вазни бир марталик иш-ҳаракат масдарига ўхшаш бўлса, бир марталик иш-ҳаракати масдарини сифат орқали аниқланади. Масалан: دَعْوَتُهُ - دَعْوَةٌ وَاحِدَةٌ

Ҳолат масдари феълнинг оддий масдари билан бир хил бўлса, унинг ҳолат масдари экани сифат билан билдирилади. Масалан: نَشْدَةٌ بِالْعَهَّةِ

Мимлик масдар.

حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم، محمد صالح. الدروس النحوية. بشرح أبو أنس أشرف بن يوسف بن حسن. الإسكندرية دار العقيدة، 2007. ص. 383.⁴¹

⁴²Ўша асар. – Б. 383

Феълдан бошига “мим” ҳарфини қўшиш орқали ҳам масдар ясалади. Бундай масдар 3-ундошли феълларда (I-боб) مَفْعَلٌ вазнида бўлади. Масалан: مَنْظَرٌ - қараш, مَضْرَبٌ – уриш.

Агар феълнинг биринчи ўзаги иллатли, 3-ўзаги соғлом ҳарф бўлса مَفْعِلٌ вазнида ясалади. Масалан: مَوْعِدٌ – ваъда бериш, مَوْعٍ – содир бўлиш каби.

Қолган боб феълларида эса ўша бобнинг мажхул нисбат сифатдоши билан бир хил вазнда ясалади. Масалан: مُتَقَدِّمٌ – илдамлаш, مُتَأَخَّرٌ – кечикиш.

Шунингдек, сўзларга ташдидли "ي" ҳамда "ة" қўшиб “сунъий масдар” ҳосил қилинади.⁴³ Масалан: حَجْرٌ --- حَجْرِيَّةٌ - тошлик,

حُرٌّ --- حُرِّيَّةٌ – эркинлик,

إِنْسَانٌ --- إِنْسَانِيَّةٌ - инсонийлик.

Масдарнинг амали (вазифаси).

Масдар 3 ҳолатда, яъни: музоф бўлиб келганда ёки "ال" артиклиз ва изофасиз келганда ёки "ال" билан аниқланиб келганда феълнинг вазифасини бажаради. Бунинг маъноси шуки, агар ўша масдар ўтимли феълдан бўлса, тўлдирувчи таъсир қилиб, уни тушум келишигида туришини талаб қилади.⁴⁴ Масалан:⁴⁵ وَلَوْ لَا دَفَعُ اللَّهُ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ – Агар Аллоҳ одамларнинг бирини иккинчиси билан даф этиб турмаганида, шубҳасиз, Ер фасодга (бузғунчилик ва харобага) айланган бўлур эди.⁴⁶

⁴³ حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم، محمد صالح. الدروس النحوية. بشرح أبو أنس أشرف بن يوسف بن حسن. الإسكندرية دار العقيدة، 2007. ص. 383.

⁴⁴ Ўша асар. – Б.384

⁴⁵ الآية 251 من سورة البقرة.

⁴⁶ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т.: ТИУ, 2006. – Б. 41

47 أَوْ إِطْعَمَ فِي يَوْمٍ ذِي مَسْعَبَةٍ * يَتِيماً ذَا مَقْرَبَةٍ
таом беришдир. Ҳоҳ (у) қариндош етим бўлсин.⁴⁸

Масадарнинг фоилга музоф бўлиши мафъулга музоф бўлишидан кўпроқ учрайди. Масалан: مُصَاحِبَةُ الْمَرْءِ الْعَقْلَاءِ أَلْزَمُ – Кишининг оқилларга шерик бўлмоғи лозимроқдир.

و مَجَانِبَةُ الْمَرْءِ السَّفَهَاءِ أَسْلَمُ - Кишининг нодонлардан четланмоғи тинчроқдир.

Бу мисолларда ўтимли масдарлар фоилга музоф бўлган ва тўлдирувчига таъсир қилиб, уни тушум клишигида келтирган.

Фоиллар (السَّفَهَاءِ) қаратқич келишигида бўлса ҳам, маъносига кўра бош келишикда ҳисобланади.

Ўтимли масдар ўзининг тўлдирувчиси билан изофа ҳосил қилганда, музоф илайҳи қаратқичда турса ҳам маъносига кўра тушум келишигида саналади. Масалан: قِرَاءَةُ الْكِتَابِ - китобни ўқиш, каби.

Масдарга музоф илайҳ бўлган сўзнинг аниқловчиси, изоҳловчиси, таъкидловчиси ёки уюшиқ бўлаги бўлса, у лафзий жиҳатдан музоф илайҳига ўхшаб қаратқич келишигида ҳам, маъно жиҳатидан бош келишикда келади. Масалан:

صِيَانَةُ الْحَوَاسِّ الشَّابُّ - йигит сезги органларини асраши ...

قِرَاءَةُ الْكِتَابِ الطَّالِبُ - талаба китобини ўқиши

Ўтимли масдар мафъулга музоф бўлганда, музоф илайҳининг аниқловчиси, изоҳловчи, таъкид ва уюшиқ бўлаги лафзий жиҳатдан қаратқич, маъно жиҳатдан тушум келишигида келиши мумкин. Масалан: صِيَانَةُ الْحَوَاسِّ الْخَمْسِ الشَّابُّ - Йигитнинг 5 сезги органини асраши ...

Масдарнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, феъл أَنْ ёки مَا га қўшилганда ҳам масдар маъноси чиқади.⁴⁹ Масалан:

⁴⁷ الآية 14-15. من سورة الباد.

⁴⁸ Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т.: ТИУ, 2006. – Б. 594

⁴⁹ حَفْنِي نَاصِفٌ، مُحَمَّدٌ دِيَابٌ، مُصْطَفَى طَمُومٌ، مُحَمَّدٌ صَالِحٌ. الدروس النحوية. بشرح أبو أنس أشرف بن يوسف بن حسن. الإسكندرية دار العقيدة، 2007. ص. 385.

أُرِيدُ قِرَاءَةَ الْكِتَابِ --- Китоб ўқишни ҳоҳлайман ,

أُرِيدُ أَنْ أَقْرَأَ الْكِتَابَ --- Китоб ўқишни ҳоҳлайман.

عَجِبْتُ مِنْ تَأْدِيبِكَ أَخَاهُ --- Акасини одобга чақиришингдан ажабландим,

عَجِبْتُ مِمَّا تُؤَدِّي أَخَاهُ --- Акасини одобга чақиришингдан ажабландим.

Шунингдек: юқорида келтирилган маълумотлар араб наҳвчиларидан бўлмиш Ҳифний Насиф, Муҳаммад Дийаб, Мустафо Томум ва Муҳаммад Солиҳларнинг “Ад-Дурус ан-Наҳвия” китобида баён қилинган ва бу китоб, Абу Анас Ашраф бин Юсуф тамонидан шарҳ қилинган бўлиб, юқоридаги маълумотларда унинг фикрлари ҳам баён қилинди. Масдарлар мавзуи бўйича ушбу китобда араб олимлари жуда ҳам кўп маълумотлар бериб ўтишган ва у ўзига хос усулда тушунарли баён қилинган.

2.3. Ўзбек ва рус арабшунос олимларининг мавзу бўйича изланишлари.

Ҳаракат номи.

Ўзбек тилидаги ҳаракат номи, араб тилида масдар(مَصْدَرٌ-масдарун) дейилади ва феълдаги маънони шахс ва сондан, замондан ва жинсдан холи ҳолда ифодалайди. У ўзбек тилидаги “ўқиш”, “ёзиш”, “йигириш”, “тўқув” каби шаклларга мос келади.⁵⁰

Ҳаракат номи ҳам араб тилида маълум вазнга эга:

فُعُولٌ - чиқиш - خُرُوجٌ - خَرَجَ

فَعَلٌ - уриш - ضَرْبٌ - ضَرَبَ

فَعَلٌ - қидириш, талаб қилиш - طَلَبٌ - طَلَبَ

Ҳар бир боб феълнинг ўзига хос масдар вазнлари мавжуд. Булар ичида энг мураккаби I-боб феълдир. Чунки I-бобдаги ҳар бир феълдан масдар ўзига хос вазнда ясалади. Масалан:

فَعْلٌ - نَصَرَ - نَصْرٌ - ғолиб келиш,

فَعْلٌ - عِلْمٌ - عَلِمَ - билиш,

فَعْلٌ - صَغُرَ - صَغُرٌ - кичик бўлиш, кичиклик,

فَعْلٌ - ضَحِكَ - ضَحِكٌ - кулиш,

فَعَالٌ - خَلَصَ - خَلَصٌ - халос бўлиш,

فَعَالٌ - سَأَلَ - سَأَلٌ - сўраш,

⁵⁰ Иброҳимов.Н. Араб тили грамматикаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997.- Б. 142

مَزَقَ - مَزَقَةٌ - فَعَلَةٌ - йиртиш,
 غَلَبَ - غَلَبَةٌ - فَعَلَةٌ - ғалаба қилиш,
 ذَكَرَ - ذِكْرٌ - فِعْلٌ - хотирлаш,
 سَكَنَ - سَكْنٌ - فِعْلٌ - истеқомат қилиш,
 قَبِلَ - قَبُولٌ - فِعْلٌ - қабул қилиш,
 رَحَلَ - رَحِيلٌ - فَعِيلٌ - жўнаш,
 جَلَسَ - جُلُوسٌ - فُعُولٌ - ўтириш,
 سَهَّلَ - سُهُولَةٌ - فُعُولَةٌ - енгил бўлиш, енгиллак,
 كَرِهَ - كَرَاهِيَةٌ - فَعَالِيَةٌ - ёмон кўриш,
 نَقَصَ - نُقْصَانٌ - فُعْلَانٌ - камчилик, камчил бўлиш,
 رَجَعَ - مَرْجِعٌ - مَفْعَلٌ - қайтиш,
 غَفَرَ - مَغْفِرَةٌ - مَفْعَلَةٌ - кечириш ва ҳ.к.

Ҳатто айрим феъллардан масдар икки хил вазнда ҳосил бўлади.
 Масалан: مَغْفِرَةٌ - مَفْعَلَةٌ - غَفَرَ - кечириш,

غُفْرَانٌ - فُغْرَانٌ - فُعْلَانٌ - кечириш,
 مَعْرِفَةٌ - مَفْعَلَةٌ - عَرَفَ - билиш,
 عِرْفَانٌ - فِعْلَانٌ - билиш.⁵¹

Мисоллардан кўриниб турибдики, феълларнинг масдари ҳар хил вазнга эга ва уларнинг барчасини ёдда сақлаб қолиш қийин. Ишни енгиллатиш мақсадида

⁵¹ Иброҳимов.Н. Араб тили грамматикаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997.- Б. 142-143

замонавий луғатларда ҳар бир I боб феълидан кейин ўша феълнинг масдари ёзиб қўйилган бўлиб, шу луғат орқалигина масдарнинг вазнини билиб олиш мумкин.

Масдарлар феълдан ясалгани билан грамматик хусусиятларига кўра отга кўпроқ ўхшаб кетади. У танвин қўшимчасини қабул қилади, иккилик сон от каби қўшимчага эга ва отлар каби келишикларда турланади. Масалан,

Бош к. . رَحِيلَان ، رَحِيلٌ

Қар. к. . رَحِيلَيْن ، رَحِيلٍ

Туш. к. . رَحِيلَيْن ، رَحِيلًا

Шу билан бирга масдарларнинг феъллик хусусияти ҳам йўқ эмас. Масдар ҳосил бўлган феъл қайси предлогни талаб қилса, масдар ҳам тулдирувчи ёки ҳолни ўша предлог ёрдамида бошқаради.⁵² Масалан,

خَرَجْتُ إِلَى الشَّارِعِ - Мен кўчага чиқдим,

الْخُرُوجُ إِلَى الشَّارِعِ - кўчага чиқиш.

سَأَلْتُ عَنِ الْوَاجِبِ - Вазифани сўрадим,

السَّوَالُ عَنِ الْوَاجِبِ - Вазифани сўраш.

Агар феъл ўзидан кейинги отни тушум келишиги ёрдамида бошқарса, шу феълнинг масдари ўша от билан изофа ҳосил қилади.⁵³ Масалан,

زَرَعَ الْقُنْنَ – У (мз) пахта экти --- زَرْعُ الْقُنْنِ - Пахта екиш.

رَكِبْنَا الطَّائِرَةَ - Самолётга ўтирдик --- رُكُوبُ الطَّائِرَةِ - Самолётга ўтириш.

⁵²Ўша асар. – Б. 144

⁵³ Иброҳимов.Н. Араб тили грамматикаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997.- Б. 144

Барча тилларда бўлгани каби араб тилида ҳам кўпчилик сўзлар, шу жумладан масдарлар ҳам отлашади. Бу ҳол *субстантивация* деб юритилади. Масалан, عِلْمٌ - عِلْمٌ - билиш --- илм,

سَأَلَ - سَأَالَ - сўраш --- савол,

طَلَبَ - طَلَّبَ - талаб қилиш --- талаб.

Булар отга айланганидан кейин отлар қандай хусусиятга эга бўлса, улар ҳам шундай хусусиятларни қабул қиладилар – кўплик шаклига эга бўладилар: Масалан: عِلْمٌ - عُلُومٌ - илмлар,

سُئِلَ - سُئِلَ - саволлар,

طَلَبَتْ - طَلَبَاتٌ - талаблар.

Энг муҳими шундаки, улар масдар каби “нима қилиш” саволига эмас, “нима” саволига жавоб бўлиб келади.⁵⁴

Масдарларнинг айтиб ўтилган грамматик хусусиятлари фақат I-боб учун эмас, балки барча боблар учун умумийдир.

Нотўғри феълларнинг масдари.

Юқорида айтилганидек, ҳар бир феъл ўзининг масдар ҳосил қиливучи вазнига эга. Бу нарса нотўғри феълларга ҳам тааллуқлидир. Лекин нотўғри феъллардан ҳосил бўлган масдарлар қуйидаги морфологик хусусиятларга эга:

1. Айрим солимсифат феълларнинг масдарида биринчи ўзак ундош тушиб қолади. Масалан,

صِلَةٌ - وَصَلَ (и) ؛ ثِقَةٌ - وَثِقَ ؛ هِبَةٌ - وَهَبَ.

⁵⁴ Ўша асар. – Б. 145

2. Ноқис феъллардан масдар **فَعَالٌ** ، **فِعَالٌ** ёки **فُعَالٌ** вазнларида ҳосил бўлса, ҳарфи иллат ҳамза товушига ўзгаради. Масалан,

(и) **قَضَاءٌ** – **قَضَى**. ؛ (и) **لِقَاءٌ** – **لَقِيَ** **وَفَاءٌ** – **وَفَى**؛

(а) **دُعَاءٌ** – **دَعَا**؛ (и) **بُكَاءٌ** – **بَكَى**؛ (у) **رَجَاءٌ** – **رَجَا**.

Масдар юқоридаги вазнлардан бошқа вазнда ҳосил бўлса, бундай товуш ўзгариши ҳосил бўлмайди.⁵⁵ Маалан,

(у) **دُنُوٌ** – **دَنَا** ؛ **جَنَى** – **جَنَى** (и) ؛ (у) **رُبُوٌ** – **رَبَا** .

Масдари мутлоқ.

Феълнинг масдари гап таркибида баъзан шу феълдан англашилган маънони кучайтириш учун ишлатилиши мумкин. Бу вазифадаги масдар масдари мутлоқ дейилади ва у гапнинг охирида ноаниқ ҳолда тушум келишигида келади.⁵⁶ Масалан,

ضَرَبُوا اللَّصَّ ضَرْبًا - Ўғрини қаттиқ урдилар.

Масадари мутлоқ ўзидан кейин мослашган аниқловчи билан келиши мумкин. Бу аниқловчи, табиийки, масдар билан тўла мослашган бўлади. Масалан, **ضَحِكَ الطَّالِبُ ضَحْكًا شَدِيدًا** - Талаба қаттиқ кулди.

Баъзан ўзининг мослашмаган аниқловчиси билан келиши мумкин. Масалан, **طَرَدَنِي طَرْدَ الْغَرِيبِ** - У мени бегонани ҳайдагандек ҳайдади.

Баъзан эса масдари мутлоқдан олдин **كُلٌّ**، **أَشَدُّ** сўзлари тушум келишигида келиб, масдари мутлоқ уларга нисбатан музоф илайҳи бўлиб келиши мумкин. Бу изофа ҳам феълдан англашилган иш-ҳаракатининг даражасини ошириш учун ҳизмат қилади. Масалан,

⁵⁵ Иброхимов.Н. Араб тили грамматикаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1997.- Б. 145-146

⁵⁶ Ўша асар. – Б. 146

حَبَّتِ الْأُمُّ أَوْلَادَهَا كُلَّ الْحَبِّ - Она фарзандларини каттиқ севарди.

Масдар (характ номи).

Иш-харакат маъносини англаган исмлар масдар, дейилади. Ўзбек тилида масдарлар -моқ, -иш қушимчалари билан тугалланади. Сўзламоқ, кетмоқ, ўқимоқ, югуриш, гапириш ва қочиш каби. Араб тилида эса масдарлар бошқа исмлардан очиқ фарқланадиган бирор белгига эга эмас.⁵⁷

Сулосий мужаррад масдарлари.

Сулосий мужаррад биносидаги феълларнинг масдарлари умумий бир вазнда келган эмас. Сулосий мужаррад феълнинг масдарлари 40 тагача вазнда бўлиши кузатилган.⁵⁸

Ҳар бир феълнинг масдарини аниқлаш учун луғат китобларга мурожаат қилинади ва ёдда сақланади. Лекин мозийси **فَعَلٌ** бўлган лозим (ўтимсиз) феълларнинг масдарлари кўпинча **فُعُولٌ** вазнида келиши кузатилган: ўтирмақ – **جَلَسَ – جُلُوسٌ**, кирмақ – **دَخَلَ – دُخُولٌ**, турмақ – **نَهَضَ – نُهُوضٌ** (а) ва **فَعِلٌ يَفْعَلُ** бобида эса лозим феълларнинг масдари кўпинча **فَعَلٌ** вазнида келади: шодланмақ – **فَرِحَ - فَرِحٌ**, чанқаммақ – **عَطَشَ – عَطَشٌ**.

Бу IV бобда мутаъаддий (ўтимли) феълларнинг масдари аксар **فَعَلٌ** вазнида келади: бермақ (ҳадия) – **رَفَدَ – رَفْدٌ** (и), ташламақ(рад этмақ) – **رَفَضَ – رَفْضٌ** (и,у), мақтамақ – **حَمَدَ – حَمْدٌ** (а).

Яна **فُعُولَةٌ** бобидаги лозим (ўтимсиз) феълларнинг масдари кўпинча **فُعُولَةٌ** ёки **فَعَالَةٌ** вазнларида бўлади: осонлашмақ – **سَهَّلَ – سُهُولَةٌ** (у), тоза бўлмақ **نَطَفَ – نَطُوفَةٌ** (у) .

⁵⁷ Раҳматуллоҳ. Р. Жаноҳ ут-толиб(араб тили сарф фанидан дарслик). Т.:Мовароуннаҳр. 2006. – Б. 15.

⁵⁸ Ўша асар. – Б. 27-28.

Касб-ҳунар ва хулқ-одатга далолат қилган феъллар масдарларининг аксари **فَعَالَةٌ** вазнида келади: дехқончилик қилиш – **زِرَاعَةٌ**, савдогарчилик қилиш – **تِجَارَةٌ**, тикувчилик қилиш – **خِيَاطَةٌ**, хоинлик қилиш – **خِيَانَةٌ**, фаросатли бўлиш – **فِرَاسَةٌ** .

Овоз ва қичқириққа далолат қилган феъллар масдари **فُعَالٌ** ва **فَعِيلٌ** вазнларида келади: қичқириш – **صُرَاخٌ** (у), додлаш – **بُكَاءٌ** (и), бўқириш – **زَيْبٌ** (а), инграш – **أَيْبٌ** (а,и).

Бетўхтов тинимсиз ҳаракатга далолат қилган феъллар масдари **فُعَلَانٌ** ва **فَعَلٌ** вазнларида келади. Масалан: қайнаш – **غَلْيَانٌ**, қочиш - **هَرَبٌ**, қидириш – **طَلَبٌ** ⁵⁹.

Ҳаракат номи ёки масдар.

Феълнинг хусусиятларидан бўлган вақт, замон, майл ва нисбатларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат ёки ҳолат номини билдиради. Шу тарафдан бу ҳодиса рус тилидаги инфинитивнинг маъносига яқиндир. Аммо масдар шуниси билан фарқ қиладики, масдар ҳудди от каби инфинитивдан фарқ қилган ҳолатда, келишикларда турланади.

Синтактик нуқтаи назаридан от каби ўзидан кейин қаратқич келишигидаги отларни олиб келиши мумкин. Лекин у феъл каби ёки феъл сифатида ўзидан кейинги сўзни тушум келишигида келишга мажбур қилади.

Масдар инфинитивнинг маъносидан узоқлашиб феълдан ясалган исмнинг маъносини олади. Масалан: **عَرَفَ** - билмоқ феълени масдари **عَرْفَانٌ** сўзи бўлиб, у нафақат билиш ёки билим эгаллаш жараёнини балки “билим”, “маърифат” маъносини ҳам беради. Баъзи ҳолларда масдар ўз мавҳумлигини йўқотиб,

⁵⁹ Раҳматуллоҳ, Р. Жаноҳ ут-толиб(араб тили сарф фанидан дарслик). Т.:Мовароуннаҳр. 2006. – Б. 28

конкрет предметларини ифода қилади. **قَتَلَ** ўлдириш, **جَرَحَ** – яралаш сўзлари **كَانَ قَتَلَ** – шаклида келганда “ўлдирилган ва яраланган” маъноларини англатади⁶⁰.

Луғатларда феълларнинг масдарлари, асосан биринчи боб феълнинг масдари, феълнинг ўзидан кейин берилади. Бу масдарлар феълга энг яқин маъноли сўзлар бўлиб, ундан ташқари масдарга яқин маъноли бошқа сўзлар ҳам бор. Бундай сўзлар ўша феъллардан кейин оддий сўзлар сифатида берилади. Масалан: Ҳаракат номининг ишлатилиши.

Араб тилида масдар шакли ва қўлланиши жиҳатидан исм ҳисобланади. Уни феъл билан яқинлаштирадиган алоҳида синтактик боғлиқликлари мавжуд ҳолос.

1. Морфологик жиҳатдан масдарлар исм флексиясига эга, келишикларда турланади, аниқ ва ноаниқ ҳолатда туриши мумкин. Синтактик томонидан ҳаракат номи исмий жумланинг эгаси ёки кесими вазифасида ишлатилади. Ҳаракат номлари отлар ёки предлоглардан кейин келувчи конструкцияларда ишлатилади. Бунда улар қаратқич келишигида туради. Масалан:

بَعْدَ الأَكْلِ - ейишдан кейин

قَبْلَ الدُّخُولِ - киришдан олдин

أَمَرَ بِإِخْرَاجِهِ - уни чиқишга буюриш

وَقْتُ النَّوْمِ - ухлаш вақти

طَوَّلَ الأَنْتِظَارَ - кутиб туриш

كَثْرَةُ الفَرَحِ - кўп хурсанд бўлиш.

Масдарлар қаратқич келишигида келганда бу қаратқич келишик, ҳаракатнинг субъектини ёки объектини билдиради. Масалан:

أَكَلُ خُبْزٍ, مَجِيئُ زَيْدٍ – нонни ейиш.

⁶⁰ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно– историческом освещении – М.: Вост.лит., 1963. – С. 253.

2. Феълларга ҳаракат номи ўзидан кейин тушум келишигида келган ёки "ل" предлоги билан келган объектни олиб келиши мумкин. Бу қуйидаги ҳолларда рўй беради.

а) ҳаракат номига 2 та исм боғлиқ бўлади. 1) ҳаракатнинг бажарувчиси. 2) объект сифатида келади. Объект ёки тушум келишигида келади ёки предлоглар билан ишлатилади. Масалан:

حُبُّ الرَّجُلِ لِلْوَطَنِ - кишининг ватанини учун севиши

حُبُّ الرَّجُلِ الْوَطَنَ - киши ватанини севиши

ضَرَبُ زَيْدٍ عَمْرًا – Зайд Умарни уриши.

б) қачонки ҳаракат номига олмошли суффикс қўшилганда. Масалан:

حُبِّي الْوَطَنَ – ватанни севишим

حُبِّي لِلْوَطَنِ - ватанимни севишим учун

ضَرَبُهُ عَمْرًا - Умарни уриши.

в) қачонки объектни ифодалаб келаётган ҳаракат номи ва исм бошқа сўзлар орқали бўлинган бўлса. Масалан:

ضَرَبُ بِسُيُوفٍ رُؤُوسَ قَوْمٍ - қавм бошлиқларини қиличдан ўтказиш.

3. Ҳаракат номи алоҳида бир хусусиятга эга. Яъни у ўтимли ва ўтимсиз феълга ҳам тушум келишигида қўшилиши мумкин. Бу ҳодиса мафъули мутлоқ дейилади. У қуйидаги ҳолатларда ишлатилади.

а) сифатловчи аниқловчи, аниқловчи билан чеклов ёки кучайтирувчи учун ишлатилади. Масалан:

ضَرَبَ ضَرْبًا شَدِيدًا – жуда қаттиқ урди,

فَرَحًا عَظِيمًا - жуда қаттиқ кулди.

б) кўрсатиш олмоши ёки унга қаратқич келишигида эргашиб келган исм билан ишлатилади. Масалан:

فَرَحْتُ هَذَا الْفَرَحَ – бу хурсандчиликдан хурсанд бўлдим,

خَافَ خَوْفَ الْجَبِينِ - кўрқоқлардай кўрқди.

в) баъзан аниқловчисиз феълни маъносини кучайтириш учун ишлатилади. Масалан:

جَلَسَ جُلُوسًا - яхшилаб ўтирди, سَارَ سَيْرًا - роса юрди.

Масдари мутлоқ.

Масдари мутлоқда ҳаракат номини ўзига хослиги яққол намоён бўлади. У бундай ҳолатда, келишикларда ўзгариб, сифатловчи аниқловчилар билан бирга келиб исм вазифасини бажаради. Лекин мафъул бўлишига қарамасдан бирга, у ҳеч қандай маъно билдирмайди. У фақат тусланаётган феъл билан бирга келиб, унга озгина кучайтирув бағишлайди. Бу ҳолат айниқса тушум келишигидаги исм, ўтимсиз феъл билан бирга келганда ёққол намоён бўлади. Масалан: جَلَسَ جُلُوسًا ، سَارَ سَيْرًا

Муаллифлар ўз асарларида араб тили грамматикасини араб наҳвчиларидан фарқли равишда ўз тиллари нуқтаи назаридан ўрганишган. Бу эса, шу тил вакилларининг араб тилини ўрганишлари ва ўз тиллиарига қислаб таҳлил этишларига кўмаклашади. Биз талабалар ушбу арабшунос олимларимизнинг қимматли асарларидан унумли фойдаланишимиз учун етарли маълумотлар мавжуд.

XУЛОСА

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда Махмуд Замахшарий ҳаёти ва илмий ижодига бўлган этибор кучайиб бормоқда. Қисқа муддат ичида Замахшарий асарларининг бир қисми турли соҳа вакиллари томонидан тадқиқ этилиб келинмоқда. Хусусан, унинг араб тили ва грамматикасига бағишланган асарлари муҳум аҳамиятга эга. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалар фондида олимнинг кўплаб асарлари кўлёзмалари сақланиб келинмоқда ҳамда тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Чунончи, З.М. Исломовнинг “Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддаматул адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили” мавзусидаги докторлик иши, М.А. Носированинг “Махмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фин-наҳв” рисоласи араб тили грамматикасига оид асар” номли номзодлик диссертациялари шулар жумласидан.

Ушбу битирув малакавий ишимизда Махмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фин-наҳв” рисоласида масдарларнинг ёритилиш принципларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Биринчи боб биринчи бўлимида Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди қисман ўрганиб ўтилди. Иккинчи бўлимида “Ал-Унмузаж фин-наҳв” асарини тузилиши батафсил баён этилди.

Учинчи бўлимда “Ал-Унмузаж фин-наҳв” асарида масдарлар Ардабийлийнинг шарҳи асосида ёритиб берилди. Асарда “Иш-ҳаракатлари билан боғлиқ исмлар” қисмида масдарлар ҳақида асосий маълумотлар бериб ўтилган. Шунингдек, ҳарфлар бобининг 12-фаслида, яъни “икки масдарлаик юклама” деб номланувчи қисмида тўхталиб ўтган. Асарда исм бобида **أَنَّ** ҳақида маълумот бериб, мисол тариқасида ушбу жумлани келтиради: **سَمِعْتُ أَنَّ زَيْدًا سَعِيدٌ** - Зайднинг бахтли эканлигини эшитдим. Яъни **سَعَادَتُهُ** - маъносида. Бунда **ما** ва **أَنَّ** юкламалари ҳақида тўхталиб, мисоллар ёрдамида тушунтирилган. Ардабийлийнинг айтишича, муаллиф исмлар бобида масдарлар ҳақида умумий маълумот бериш билан чекланиб, масдар ҳақида батафсил тухталмаган.

Ишнинг иккинчи боби араб адабий тилида масдарлар ва уларнинг араб нахвчилари ва арабшунос олимларнинг асарларида ёритилиши деб номланган. Биринчи бўлимда араб тилида масдарлар ва уларнинг турлари ҳақида умумий маълумот бериб ўтилган. Унда масдарнинг ўзбек тилидаги муқобили бўлган ҳаракат номи қоидалари ҳам қиёсий шаклда ўрганилган.

Кейинги бўлимда, масдарлар мавзусининг араб нахвчилар томонидан ёритилишига тўхталинган. Бунда, Ҳифний Насиф, Муҳаммад Дийаб, Мустафо Томум ва Муҳаммад Солиҳларнинг “Ад-дурус ан-наҳвийя” номли асари ва унга ёзган шарҳ (Абу Анас Ашраф бин Юсуф) асос қилиб олинди. Асарда масдар ва унинг турлари ҳақида мукамал маълумотлар бериб ўтилган. Жумладан, масдари мимия, бир марталик иш-ҳаракатни билдирувчи масдар ва масдарнинг вазиифаси ҳақида кенг маълумот берилган.

Сўнги бўлимда, ўзбек ва рус арабшунос олимларининг масдар мавзуси бўйича изларишлари ёритилди. Бунда, Н. Иброҳимовнинг “Араб тили грамматикаси” ҳамда Б.М. Гранденинг “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении” асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Н. Иброҳимовнинг “Араб тили грамматикаси” китобида бошқалардан фарқли ўлароқ, нотўғри феъллар масдарлари ҳақида маълумот берилган. Чунончи, رَبَا (y) رُبُوْ – رَبَا (и) ؛ جَنَى – جَنَى (и) ؛ دَنَا – دَنَا ؛ جَنَى – جَنَى (y) .

Шунингдек, Р. Раҳматуллоҳнинг “Араб тилида сарф фанидан дарслик” номли китобида масдарлар ҳар бир феъл бобларида қўлланилиши мисоллар ёрдамида алоҳида баён қилиб ўтилган. Жумладан, бетўхтов тинимсиз ҳаракатга далолат қилган феъллар масдари فُعَلَانٌ ва فَعَلٌ вазнларида келади. Масалан: қайнаш – غَلِيَانٌ, ирғиш – نَزَوَانٌ, қочиш – هَرَبٌ, қидириш – طَلَبٌ

“Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении” китоби деярли юқорида номлари зикр қилиб ўтилган араб нахвчилар фикрлари

билан уйғунлашган. Асарда ҳаракат номининг алоҳида бир хусусият ҳақида шундай келтирилади: у ўтимли ва ўтимсиз феълга ҳам тушум келишигида кўшилиши мумкин. Бу ҳодиса мафъули мутлоқ дейилади. У қуйидаги ҳолатларда ишлатилади.

а) сифатловчи аниқловчи, аниқловчи билан чеклов ёки кучайтирувчи учун ишлатилади. Масалан:

ضَرَبَ ضَرْبًا شَدِيدًا – жуда қаттиқ урди,

فَرَحَ فَرَحًا عَظِيمًا - жуда қаттиқ кулди.

б) кўрсатиш олмоши ёки унга қаратқич келишигида эргашиб келган исм билан ишлатилади. Масалан:

فَرَحْتُ هَذَا الْفَرَحَ – бу ҳурсанд бўлгандек ҳурсанд бўлдим,

خَافَ خَوْفَ الْجَبِينِ - кўрқоклардай кўрқди.

в) баъзан аниқловчисиз феълни маъносини кучайтириш учун ишлатилади. Масалан:

جَلَسَ جُلُوسًا - яхшилаб ўтирди, سَارَ سَيْرًا - роса юрди.

Араб тилидаги масдарлар мавзусини ўрганиш давомида, унинг араб грамматиксида муҳим ўринга эга эканига яққол намоён бўлди. Биз талабалар араб тили грамматикасини ўрганиш жараёнида ҳар бир мавзуга алоҳида ўрганиш билан бир каторда, уларнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор беришимиз лозим. Келгусида сиз устозлар кўмагида бу мавзунини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадидаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Президент асарлари:

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 – Т.: Ўзбекистон. 2001. –Б.439.
2. Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон. 1995. –Б. 51.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон. 1998. –Б. 580.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон. 2000. –Б. 528.

Араб тилидаги манбалар:

5. بهاء الدين عبد الله ابن عقيل العقيل الهمداني المصري. شرح ابن عقيل علي الفية ابن مالك. مكتبة دار التراث. القاهرة. 2005م. الصفحة-704
6. حسن أيوب. الحديث في علوم القرآن والحديث. دار السلام للطباعة والنشر والتوزيع والترجمة. القاهرة-2003. الصفحة-206.
7. حسني عبد الجليل يوسف. شرح الأنموذج في النحو للعلامة الزمخشري بشرح الأردبيلي جمال الدين بن عبد الغني. مكتبة الآداب. القاهرة، 1990. ص 231
8. حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم، محمد صالح. الدروس النحوية. بشرح أبو أنس أشرف بن يوسف بن حسن. الإسكندرية دار العقيدة، 2007. ص. 488
9. الشيخ الإمام كمال الدين أبي البركات عبد الرحمن ابن محمد بن أبي سعيد الأنباري النحوي. الإنصاف في مسائل الخلاف بين النحويين البصريين والكوفيين. دار الطلائع للنشر والتوزيع والتصدير. القاهرة-2005. الصفحة-352
10. الشيخ محمد الطنطاوي. نشأة النحو وتاريخ أشهر النحاة. دار المعارف. الطبعة الثالثة. القاهرة. 2005. الصفحة-326

11. الشيخ مصطفى الغلايني. جامع الدروس العربية. دار الغد الجديد. القاهرة-2007. الصفحة-590
12. عباس حسن. النحو الوافي. الجزء الرابع. القاهرة. دار المعارف. 1967.
13. القرآن الكريم. مجمع الملك فهد لطباعة المصحف الشريف. المملكة العربية السعودية- 1403 هـ. الصفحة-620.
14. المنجد في اللغة والأعلام. دار المشرق - بيروت، لبنان. الطباعة الحادية والأربعون 2005. الصفحة 716 -

Ўзбек ва рус тилларидаги манбалар:

15. Абдужабборов А. Араб тили. –Т.: Тошкент ислом университети. 2007. –Б.
16. Абдужабборов А. Маҳмуд аз-Замахшарий. Ал-Унмузаж. Тошкент ислом университети. - Т.: 2001. – 80 б.
17. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. –Т.: Тошкент ислом университети. 2001. –Б.617.
18. Азизов А.А. Руско-узбекский краткий словарь. –Т.:Ўқитувчи. 1989.–Б.510.
19. Баранов Х. К. Арабско – русский словарь. –М.: Русский язык. 1985. –С.942.
20. Дадахонов А. Она тили фанидан қўлланма. Наманган. – Н.: 2010. – 332 б.
21. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно– историческом освещении – М.: Вост.лит., 1963. –С.594.
22. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат нашриёти. 1997. I жилд. –Б.452.
23. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2004. II жилд. Б.645.
24. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. –М.: Вост.лит. 1998. –С.752.
25. Носирова А.М. Маҳмуд аз-Замахшарий. “Ал-Унмузаж фи-н-нахв” рисоласи. ТошДШ институти. – Т.: 2005. – 188 б.

26. Носирова А.М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. (Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи асосида). ТошДШ институти. – Т.: 2004. – 72 б.
27. Носиров О., Юсупов М. “Ан–на’йм” арабча-ўзбекча луғат. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 2003. –Б.950.
28. Раҳматуллоҳ Р. “Жаноҳ ут-толиб” (Араб тили сарф фанидан дарстлик). Мавароуннаҳр. – Т.: 2006. – 212 б.
29. Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон. 1993 й. –Б.406.
30. Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. Маҳмуд аз-Замахшарий.”Навобиг ал-Калим”. Янги авлод. -Т.: 2006. –
31. Уватов.У. Номи улуғ, сўзи кутлуғ. Камалак. – Т.: - 1992. -
32. Хайруллаев М.М. Маънавият Юлдузлари.(Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси. – Т.: 2001.
33. Холидов Б.З. Учебник арабского языка. – Т.: Ўқитувчи. 1981.–С.654.

Фойдаланилган интернет сайтлари:

1. www.almeshkat.com
2. www.drmosad.com
3. www.el-eman.com
4. www.islom.uz
5. www.islamweb.net
6. www.fundarabist.ru
7. www.google.com.eg
8. www.khayma.com
9. www.quran.al-islam.com
10. www.quran.org

11. www.qurancomplex.com